



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 2 июль, чоршанба • №53 (11.544) • Эркин нарҳда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида

*Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосидаги ислохотлар изчил амалга оширилаётгани, бу жараён халқаро микёсда эътироф этилаётганини, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг бугунги кун даражасини ҳамда келгуси тараққиёти омиллари инобатга олган ҳолда, жаҳон амалиётлари асосида истиқболли ёш педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва тажриба алмашувини таъминлаш мақсадида:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси билан "Устоз" республика жамғармаси бирлаштирилсин ва уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси ташкил этилсин. Жамғарма бошқаруви таркиби тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, тасарруфида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий

алоқалар агентлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қатор қўшма корхоналар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг жамғармага ҳомийлик қилиш ҳақидаги тақлифлари қабул қилинсин. Ҳомийлар рўйхати тасдиқлансин.

Ҳомийлар таркибининг чет эллик иштирокчилар ҳисобига кенгайтириш ҳақидаги тақлифларни кўриб чиқиш Жамғарма бошқаруви зиммасига юклатилсин.

3. Куйидагилар Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини, фан, педагогика ва иқтисодиётимиз тармоқларининг ривожланиши даражасини жаҳоннинг энг илғор илмий изланишлар ва юқори технология ютуқлари даражасига кўтариш, Ўзбекистонда чуқур тарихий илдизларга эга ва рес-

публикамиз тараққиёти учун муҳим бўлган илм-фан йўналишларининг барқарор ривожланишини таъминлашда фаол иштирок этиш;

дунёда эътироф этилган нуфузли олий таълим ва илмий марказлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш, ўзаро манфатли илмий тадқиқотлар ва изланишларни ташкил этиш орқали истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар истеъдодининг очилиши ва юксалишига кўмак бериш;

мамлакат олий таълим ва илмий муассасаларида педагогик ва илмий фаолият борасида муайян ютуқларга эришган, илмий изланишларни бошлаган, юксак ижодий салоҳият ва қобилият соҳиблари бўлган истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг истеъдодини ривожлантириш, уларнинг Жамғарма грантлари асосида тараққий топган давлатларнинг илғор таълим ва илмий муассасаларида назария ва амалиётнинг замонавий йўналишлари бўйича малака ошириши ҳамда мақсадли тажриба орттиришига, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун устувор йўналишлар бўйича билимини чуқурлаштиришига, прогрессив илмий изланишларда иштирок этишига кўмаклашиш;

ҳомийлар, шу жумладан хал-

қаро ташкилотлар ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий сармоядорларнинг инвестицияларини ёш педагог ва илмий кадрлар билимларини чуқурлаштириш ва малакасини ошириш жараёнига фаол жалб қилиш;

истеъдодли ёш педагог ва илмий кадрларнинг замонавий илғор билимлари, жаҳон даражасидаги илмий ва технологик тажрибасини мамлакатимиз амалиётига татбиқ этишни таъминлаш, уларнинг педагогик ва илмий фаолияти мониторингини узлуксиз олиб бориш.

4. Жамғармининг низоми ва тузилмаси тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси ва "Устоз" республика жамғармасининг ҳуқуқий вориси деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси ва "Устоз" республика жамғармаси бир ой муддатда белгиланган тартибда ўз ихтиёридаги асосий фондлар ва молиявий маблағларни "Истеъдод" жамғармаси балансига ўтказсинлар.

6. Жамғарма солиқлар, тўловлар ва божларнинг (божхонада расмийлаштириш учун тўланадиган йиғимлар бундан мустасно) барча тўловларидан ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган

мажбурий тўлов ва йиғимларни тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинсин.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик ва жисмоний шахсларнинг таъсис бадаллари ёки ҳомийлик ёрдами тарзида Жамғармага ўтказиладиган маблағлари солиққа тортиш базасидан чиқарилади.

7. "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситаларига Жамғарма фаолиятини кенг кўламда ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Жамғармани алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси ҳамда имтиёзли Интернет тармоғи билан таъминласин.

9. Жамғарма Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 171-уйдаги бинога жойлаштирилсин ва ушбу бино Тошкент давлат иқтисодиёт университети балансида Жамғарма балансига ўтказилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига Жамғарманинг биносининг 2003 йил 1 ноябригача таъмирлаш юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги ПФ-1694 сонли фармони ва 1997 йил 6 октябрдаги ПФ-1869 сонли фармонининг 4-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 22-сонли ва 1997 йил 30 декабрдаги 576-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Худайбергенов ва Т. Рискиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Тошкент шаҳри, 2003 йил 1 июль.  
**И. КАРИМОВ.**

### Аёл, Оила, Жамият



Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ойлик саҳифаси

Дунё бешигини меҳрибон онами, мунис опа-сингилми, суюкли ва вафодор ёрми — аёл зоти тебратади. Ўзбек аёл сиймосида ана шундай инсонни кўради. Бу қадим-қадимдан шакланган миллий тамойил — ўзига хослик. Бу хислат мустақиллик йилларида янгича мазмун ва маъно касб этди.

Ҳаётимизнинг асосий демократик тамойиллари, турмушимиз рисоалари белгилаб берилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунларимиз ва қонунчилик амалиётининг бошқа ҳужжатларида хотин-қизларнинг жамият ҳаёти, давлат бошқаруви, меҳнат ва илм олишдаги тенглиги муҳрланган. Жамият аъзоларини ярмидан кўпини ташкил этувчи аёллар ўзлари учун очилган имкониятлардан фойдаланиб, барча соҳаларга дадил кириб бормоқдалар, ўз иқтидорлари, қобилиятлари ва салоҳиятларини ҳаётимизни янада фаровон қилиш, баркамол инсонларни тарбиялашга бағишламоқдалар.

Шуларни ҳисобга олиб, Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти «Аёл. Оила. Жамият» саҳифасини ташкил этдилар.

(Ушбу мавзуга бағишланган мақолаларни газетанинг 3 – 6-саҳифаларида ўқийсиз).

### «Ғалла — 2003»

*Вилоятда ғалла ўрими-йиғимини тез ва соз ўтказиш бўйича белгиланган тадбирларнинг бекам куёт амалга оширилаётганлиги кўрсаткичларнинг юқори бўлишини таъминламоқда.*

Бунинг боиси шундаки, вилоятда ҳар бир туман, ҳар ҳудуд, ҳар бир хўжаликда энг биринчи навбатда мавжуд техникалардан унумли ва самарали фойдаланишга эътибор кучайтирилди. Ҳозирги пайтда мавжуд 190 га яқин комбайн, 160 дан ортиқ «Кейс» русумли машиналар би-

лан кунига мўлжалдагидан ошириб, ғалла ўримоқда, айниқса, «Кейс» машиналарида хирмонга барака киритилаётир. Уларнинг ҳар бирида ўрта ҳисобда 18-20 гектар майдондаги ғалла ўриб-янчилмоқда. Транспорт воситалари, юк машиналари, тиркама техникалар ҳам тўхтовсиз ишлаб турибди. Натижада ўриб-янчиб олинган ғалла хирмонларга ўз вақтида жойлаб олинапти. Шундай қилиб, кунига вилоятда белгиланган режанинг 5 фоизидан орттириб ғалла тайёрланмоқда. Айниқса, чинозлик ғаллакорлар карвонбошчилик қилаётир. Бекобод, Оққўрғон, Тошкент, Янгийўл туманлари ғаллакорлари ҳам юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.



### ИШ БОШИДАН ПУХТА БЎЛСА

**Зангиота туманидаги «Мустақиллик» ширкат хўжалиги ғаллакорлари туманда биринчи бўлиб режани ошириб бажардилар.**

Авалло, шуни айтиш керакки, туманда ғалла ўрими-йиғимини уюшқоқлик билан ташкил этишга қаратилган режа ишлаб чиқилди. Шу асосда мазкур ширкат хўжалиги ғаллакорлари ҳам ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тадбир белгиладилар ва уларнинг амалга оширилиши юзасидан қатъ-

ий назорат ўрнатилди. Натижа кутилгандан ҳам зиёда бўлди. «Мустақиллик»лар 200 гектар майдондаги ғаллани қисқа муддатларда ўриб-йиғиб, режаларини туманда биринчи бўлиб адо этдилар. Суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 50 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. Ҳисоб-китоб қилинганда,

шартномада кўзда тутилган 427 тонна ғалла режаси ошириб бажарилди. Пудратчи ғаллакорлар яратиб берилган шароит ва имкониятдан оқилона фойдаландилар ва яхши натижаларни қўлга киритдилар. Айниқса, М. Йўлдошев, Й. Маҳмудов, Ф. Фозилов, Ф. Фозилова сингари пудратчилар кўпчилиқка ўрнатилди, мўл ҳосил олиб ҳосилдорликни кескин оширишга эришдилар.

Бизга хабар қилишларича, кеча хўжаликда сўнгги гектарлардаги ҳосил ҳам ўриб-янчиб олинди.



2 июль – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

## ГЕРБИМИЗ — ФАХРИМИЗ

*Хар бир мустақил давлат ўз герби, байроғи, мадҳиясига эга бўлиши шарт. Булар давлат рамзлари ҳисобланади. Чунки, герб ҳам, байроқ ҳам, мадҳия ҳам каерда бўлмасин, давлатни англатиб туради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини кўлга киритганидан кейин кўп ўтмай давлат байроғи, сўнг эса герби ва мадҳияси қабул қилинди.*

Ҳамма мамлакатларда ҳам давлат рамзлари қабул қилинган кун расман нишонланади, ўша ернинг байрамлари – муҳим саналар сирасига киради. Мамлакатимизда ҳам 2 июль – Давлат герби, 18 ноябрь – Давлат байроғи ва 10 декабрь – Давлат мадҳияси қабул қилинган кун сифатида нишонлаб келиняпти. Бундай саналарни нишонлаш фуқароларимиз қалбидан Ватанга муҳаббат туйғуларини жўш урдиради, одамларнинг фахр ҳиссини кучайтиради.

Жаҳонда тамғанинг давлат рамзларидан бирига айланиши, бевосита қадим ўзбек давлатчилигига бориб тақалади. Тарихчи олимларимизнинг Мирзо Улуғбекка асосланган маълумот беришича, ҳозирги Ўзбекистон тупроғида XIII-XIV асрларда ҳукм сурган давлатларда савдо карвонларидан олинадиган "тамға солиғи" бўлган. Ҳатто, ҳозирги русча "таможня" сўзи ҳам, аслида, айнан "тамға божи" бирикмасидан олинган. Демак, бож тизими ҳам дастлаб ўзимизда пайдо бўлган.

Ўзбекистон ўз мустақиллиги-



нинг биринчи йилидаёқ Давлат гербига эга бўлди. Бугун мамлакатимиз фуқаролари тамғамиз билан фахрланади. Чунки Ватанимиз рамзи бўлган гербимиз орқали жаҳоннинг барча давлатлари Ўзбекистонни танийди.

Гербимиздаги хар бир чизик, хар бир ранг, хар бир белгида муайян рамзий маънолар бор. Айтилик, ўнг томони чаноқлари очилган гўза, чап томони бугдой шохларидан иборат чамбар ичра тоғлари, дарёлари бор гуллаган водий узра қуёш нур таратиб турибди. Бу айнан жаннатмонанд диёримизнинг тасвири эмасми?

Гербнинг юқорисида мамлакатимиз хурлигининг рамзи сифатида саккиз бурчак, яъни миллий наққошлигимизда кўп қўлланган аънавий мусаммаъ акс эттирилган. Унинг ичида ярим ой ва юлдуз бор. Бу ҳам – биз учун аждодлардан мерос бўлиб келган рамзлардан бири. Гербнинг марказидаги қанотларини ёзган Хумо қуши бахт ва эрксеварлик рамзи ҳисобланади. Халқимиз Хумони азалдан давлат қуши сифатида тасаввур қилиб келган. У кимнинг бошига соя солса, унинг бошига бахт кўнгани деб қаралган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелидаги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонунининг айрим бандларига муайян ўзгаришлар киритилди. Жумладан, бундан буён ярим Ой ва юлдузлар олтин рангда эмас, оқ рангда бўладиган бўлди. Давлат герби – мамлакат фуқаролари учун муқаддас ҳисобланади. У юрагида Ватан туйғуси бор ҳар қандай кишида миллий ҳис, ўзига хос ғурур, энг муҳими, юртга меҳр уйғотади. Ўзбекистон бир узук бўлса, Давлат герби – гўё шу узукнинг кўзидир.

**А. ҒАФФОРОВ,**  
«Туркистон-пресс».

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида Бош вазир ўринбосари Р. Азимов ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси раҳбари Э. де Врайер иштирокида Ўзбекистон ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Унда Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳбари Э. де Врайер Ўзбекистонда 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида макроиктисодий барқарорликка эришиш, чуночи, пул-кредит ва фискал-бюджет сиёсатини такомиллаштириш йўли билан инфляцияни янада пасайтириш, олтин-валюта захирасини кўпайтириш, шунингдек, конвертациядан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш борасида сезиларли ютуқларга эришилганини таъкидлади.

Шу муносабат билан ХВЖ вакили валюта айрибошлаш курслари деярли бирхиллаштирилганини таъкидлади.

Анжуман иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банк томонидан ХВЖ миссияси билан маслаҳатлашган ҳолда миллий валютаимизнинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилинишини таъминлашга доир ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилгани ҳақида маълумот берилди. Ушбу режа-

нинг муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасига 2003 йилнинг ноябрь ойи охиригача Халқаро валюта жамғармасининг Жорий халқаро операциялар бўйича конвертацияни жорий қилиш масалалари тўғрисидаги моддалари битимининг VIII моддаси талабларини қабул қилиш имконини беради.

Шунингдек, матбуот анжуманида макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш иқтисодиётнинг асосий жабҳалари, айниқса мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, аграр сектор ҳамда капитал қурилиш соҳасида тузилмавий ислохотларни чуқурлаштириш учун асос яратгани ҳам қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Р. Азимов ва ХВЖ миссияси раҳбари Э. де Врайер Ўзбекистон ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб берди.

**Б. СОБИРОВ,**  
ЎЗА мухбири.

## ЭКОЛОГЛАР ВА ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

*Экологлар, кишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари, халқаро, ноҳукумат ташкилотлар вакиллари ва журналистларнинг Тошкент вилоятида бўлиб ўтган кўчма семинарида Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.*

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат табиати муҳофаза қилиш кўмитаси, Минтақавий экология маркази, Марказий Осиёда табиий захираларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича дастур (NRMP) ва Тошкентдаги "Яшаш муҳити" ахборот маркази ҳамкорлигида уюштирилди.

Республика Давлат табиати муҳофаза қилиш кўмитаси раиси Халилулла Шеримбетов учрашув иштирокчиларига БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг минтақа атроф-муҳит вазирларининг Киевда бўлиб ўтган бешинчи анжумани натижалари хусусида ахборот берди. Тадбирда, хусусан, Марказий Осиё вакилларининг 2010 йилгача мўлжалланган Орол денгизи хавзаси дастурининг янги босқичини тайёрлашни қўллаб-қувватлаш ва уни жадаллаштиришга доир ташаббуси маъқулланди.

Семинарда мутахассислар ва

экспертларнинг сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, йирик сув хўжалиги объектларининг ишончли техник ҳолати ва хавфсизлиги, Орол бўйидаги экологик инқироз оқибатларини камайитириш бўйича дастурнинг амалга оширилиши каби мавзуларга бағишланган чиқишлари қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Экологик журналистика бўйича ўтказилган тренинглар ОАВ ходимларининг касб даражасини узлуксиз такомиллаштириб бориш зарурлигини кўрсатди. Журналистларнинг Давлат табиати муҳофаза қилиш кўмитаси, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги идоралари, ижтимоий экологик ташкилотлар билан ижодий ва хизмат алоқаларини мустаҳкамлаш муҳимлиги кўрсатилди.

**В. НИКОЛАЕВ,**  
ЎЗА мухбири.

### ● Шу сонга ● Шу сонга ● Шу сонга ●

## РОТОР МАЖМУИ ИШГА ТУШДИ

*Ангрендаги кўмир саноати корхоналарини қайта қуриш. уларда замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологияларни жорий қилиш юзасидан мўлжалланган тадбирлар изчил амалга ошириляпти.*

Бундай яратувчилик ишида қатор бинокорлик ва монтаж ташкилотлари қатнашмоқда. Айниқса, бош пудратчи сифатида «Кўмирқурилиш» акциядорлик жамияти бунёдкорларининг ҳис-

саси катта бўлмоқда. Унда кўмир саноати корхоналарининг ўзлари ҳам, қатор ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Куни кеча бу катта ва узок

муддатга мўлжалланган режани рўёбга чиқариш йўлида яна бир қадам кўйилди. Кўмир қонида ротор мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 614 миллион сўмлик капитал маблаг ўзлаштирилди. Соатига 2 минг куб метр кон устини очиб ишларини бажариш қувватига эга бўлган бу русумдаги экскаватор ер остида ястаниб ётган кўмир қатламларини қазиб чиқариш ишларини кенгайтириш ва тезлаштиришга сезиларли ёрдам беради.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

## «МИСТЕР-ПРИНТ» ИШ БОШЛАДИ

*Зангиота туманида «Мистер-Принт» масъулияти чекланган жамият иш бошлади.*

У рангли ёрликлар, қоғоз кутилар сингари қадоклаш жа-

раёнларида фойдаланиладиган матбаа маҳсулотлари иш-

лаб чиқаради. Германиядан олиб келинган дастгоҳлар маҳсулот кўримли, сифатли бўлишини таъминлайди.

Энг муҳими, янги корхона иш бошлаши билан Эшонгузар шаҳарчасида яна 50 иш ўрни пайдо бўлди.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

## Ҷиқр, мулоҳаза, таклиф

*Яқинда газетамизда «Балогат довллари» деб номланган мақола босилган эди. Шундан сўнг тахририятга кўплаб хатлар келди. Бундай мактубларнинг келиши ҳозир ҳам давом этмоқда. Зеро, айнан ана шу мавзу ҳозирги куннинг долзарб муаммосига айланиб қолди.*

Мамлакатимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган оила, унинг мустаҳкамлиги, фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айниқса, куннинг долзарб мавзусига айланган вояга етмаганлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаётир.

Вояга етмаганлар ўсмирлик чоғида фақатгина ўзига хос фикрлашга ҳамда вужудга келган муаммоларни мустақил

## ЎСМИР ТАРБИЯСИ ДОИМИЙ МУАММО

ечишга интилибгина қолмасдан, балки ўзининг қобилияти, ижобий фазилатларини кўрсатишга ва атрофдагиларнинг ҳурматини қозонишга ҳаракат қилади. Рухшуносларнинг фикрича, тарбияси оғир бўлган ўсмир жамоатчилиги билан бўлган муносабатини сақлаб қолиш мақсадида салбий хулқ-атворини намойиш этишдан, яъни безориликдан ҳам қайтмайди. Бу ҳаракат қандай зарар етказиши вояга етмаган ўсмирни қизиқтирмайди ҳам. У фақат ўзига эътиборни қаратишни, ўзининг тенгдошлари орасида муайян таассурот ҳосил қилишни хоҳлайди, холос. Ўсмирларда кўрқоқлик, мус-

тақил бўлмаган, бўш болалар устидан ҳукмронлик қилишга интилиш анча кучли бўлади. Бу каби сифатлар муайян муҳит билан бевосита боғлиқдир. Вояга етмаганлар ўзининг «катта бўлиб қолганлигини» кўрсатиш учун ҳар нима қилишга тайёрдирлар. Улар катталар томонидан озгина бўлсада, қилинган назоратни ўз кадр-қимматларини камситилиши деб қабул қиладилар.

Ўсмирликнинг охирида ўзининг улғайганлигини ҳис қилиш ўзига хос хусусият касб этади. Яъни ўзини кўрсатиш, бошқалардан ўзгача эканлигини намойён қилишда ҳам кўринади.

У кийиниш, мақтаниш ва шу каби сифатлар орқали атрофдагиларнинг эътиборини жалб этишга ҳаракат қилади. Аммо, бу ёшга оид хусусиятларнинг ўзигина ҳуқуққа хилоф хулқни вужудга келтирмайди, балки, ўсмир ҳаёти ва олган тарбиясининг хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг шахсида аксил ижтимоий йўналишни, жиноят ёки ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига имкон яратиши мумкин.

Ўсмирлик чоғида ўз-ўзини тарбиялашга бўлган эҳтиёж ҳам тугиладими, бу эҳтиёж айрим ижобий сифатларнинг ривожланишига ёрдам бериши,

камчиликларни енгиб ўтишга кўмаклашиши мумкин. Бундай ҳолатда вояга етмаганлар ўзлари яхши кўрган кишиларга ўхшаб ҳаракат қиладилар. Аммо, айрим ҳолларда маънавий тушунчаларни нотўғри аңлаш сабабли ўсмирлар одамлар хулқи, ҳодиса ва воқеаларни нотўғри баҳолайдилар. Шундан бўлса керак, айрим вояга етмаганлар катта ёшдагиларнинг салбий хулқига тақлид қиладилар.

Кўпинча бу каби жараёнларга телевидение ва кинофильмлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун вояга етмаганларга кўрсатиладиган бадиий асарлар маънавий жиҳатдан соғлом мазмунда бўлиши лозим. Гапни мухтасар қиладиган бўлсак, келажагимиз воришлари – ёшларни тарбиялашда ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

**Ширин ИСМАТУЛЛАЕВА.**



# Аёл, Оила, Жамият



Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитасининг ойлик саҳифаси

Оила, эл-юрт ва мамлакат раънақи аёлга муносабат билан белгиланади. Аёл кадр топган юрт обод бўлади. Зеро, аёлларнинг жамият, оила ва фарзанд тарбиясидаги ўрни алоҳида. «Тошкент ҳақиқати» муҳбирининг вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмадҷонова билан суҳбатни шу масалаларга бағишланди.

— Вилоятнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ниҳоятда салмоқли. Табиийки, бунга хотин-қизларимиз катта ҳисса қўшишмоқда. Шу муносабат билан янгиланаётган жамиятимиз хотин-қизларининг бугунги салоҳиятини қандай баҳолайсиз?

— Бугун вилоятимиз мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялли ички маҳсулотнинг салмоқли қисмини етказиб бермоқда. Шаҳар ва туманлари-

## СИЗ БИЛАН ОБОД БУ ВАТАН

мизда иқтисодий ислохотларнинг самаралари ҳақида кўп гапириш мумкин: янги-янги қўшма корхоналар пайдо бўлмоқда, маҳсулот ҳажми ва тури ортиб, экспорт имкониятларимиз кенгайяпти. Бугун барқарор ривожда бўлган ўнлаб турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, хўжаликлар, қурилиш ташкилотлари, хусусий фирмаларни кўрсата оламиз.

Ана шу изланувчан, ғайратшижоатли, фақат бугунги кун билан эмас, балки катта-катта режаларни амалга ошириш иштиёқи билан яшаётган замондошларимиз орасида хотин-қизлар анча. Вилоятимиз аҳолисининг ярмидан кўпини аёллар ташкил этишини ҳисобга олсак, уларнинг жамиятда кечаётган янгиланиш

жараёнларидаги ўрни яна ҳам ойдинлашади. Аёллар катта-кичик саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида, ширкат ва фермер хўжаликларида, кичик, ўрта ва хусусий бизнес соҳасида меҳнат қилиб, айна пайтда фарзандларини тарбиялашмоқда, шу азиз Ватанимиз раънақиға муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда.

Хотин-қизлар янгича, ўзбекиона руҳдаги маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшиб, баркамол инсонлар тарбиясига ўз қобилиятлари, иқтидор ва маънавиятини сарфламоқдалар. Албатта, бу жараёнда донг тартиб, олқиш олаётган опа-сингилларимиз ҳам оз эмас. Ҳозирги кунда саноатда 31 мингдан ортқ, қишлоқ хўжалигида 63,7 минг, халқ таълимида 52,5

(Давоми 4-бетда).

Оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуратимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Ислом КАРИМОВ.

## МАКТУБЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ

Ҳар бир инсон дунёга келибдики, орзу-ҳавас, яратиш ва бахтли яшаш иштиёқида умргузаронлик қилади. Бу эзгу интилиш, бу олий мақсад, бу инсоний ҳаракат замирида аждодлар анъанаси, бугунги авлод амалий қадамлари, баркамол навқирон бўғиннинг камолоти ҳақидаги мулоҳазалар, тажриба ва иштиёқ ётади.

Дунё бешигини меҳрибон онами, тергаб-қутқулоччи опа-сингилми суюкли ва вафодор ёрми — аёл зоти тебратлади.

Ўзбек аёл сиймосида ана шундай инсонни кўради. Бу қадим-қадимдан шаклланган миллий тамойил — ўзига хослик. Аждодларимиз аёлни, таъбир жоиз бўлса, илоҳийлаштириб севиб-ардоқлаб ўтишганлигининг боиси ҳам шунда. Бу хислат мустақиллик йилларида уйғонган шуур туфайли янгича мазмунда намоён бўла бошлади. Бугина эмас, бу хислат янгиланаётган жамият мафкура-сининг ўқ илдизига айланиб, давлат сиёсатининг негизига, ҳуқуқий-фуқаролик давлатини барпо этиш жараёнининг барча йўналишларини ўз теварагига бирлаштирувчи, ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда.

Ҳаётимизнинг асосий демократик тамойиллари, турмушимиз рисоалари белгилаб берилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунларимиз ва қонунчилик амалиётининг бошқа ҳужжатларида хотин-қизларнинг жамият ҳаёти, давлат бошқаруви, меҳнат ва илм олишдаги тенглиги муҳрланган. Жамият аъзоларини ярмидан кўпини ташкил этувчи аёллар ўзлари учун очилган имкониятлардан фойдаланиб, барча соҳаларга дадил кириб бормоқдалар, ўз иқтидорлари, қобилиятлари ва салоҳиятларини ҳаётимизни янада фаровон қилиш, баркамол инсонларни тарбиялашга бағишламоқдалар.

Шуларни ҳисобга олиб, Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти «Аёл. Оила. Жамият» саҳифасини ташкил этдилар. Мақсад — Сиз азиятнинг жамиятимиз ҳаётидаги иштирокингиз, шахсий турмушингиз, орзу-интилишларингиз, муаммоларингизни кенг ёритиш. Ўйлаймизки, Сизлар бизларга хат-хабарлар ёзиб, бошланган бу хайрли ишни яна ҳам мазмунли, қизиқарли, энг муҳими, фойдали бўлишига ҳисса қўшасиз, деган умиддамиз.

Хатларингизни кутамиз, азиятлар!

## САВОЛ-ЖАВОБ КЕЧАСИ

Янгийўл туманидаги саноат касб-ҳунар коллежида «Оилада ва маҳаллада хотин-қизларнинг ўрни» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Уни «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши ҳузурдаги фаол аёллар уюшмаси вилоят хотин-қизлар кўмитаси, қатор жамғармаларнинг вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этди.

Аксариятини ёшлар ташкил этган учрашув иштирокчиларида таниқли олимлар Муборак Юнусўжаева, Мукаррам Муҳиддинова, Тўлқиной Қодирова, сеvimли санъаткорлар Тўти Юсупова, Насиба Мақсудова, талантли журналистлар Дилбар Маҳмудова, Раҳима Шомансуроваларнинг фикр-мулоҳазалари катта қизиқиш уйғотди. Йигит-қизларни қизиқтирган қирқдан ортқ саволга жавоб берилди.

«Обод маҳалла» давлат дастурининг бажарилиши билан танишув йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди.

Зухра ЗАБИҲУЛЛАЕВА.

## Тадбиркорлик



## ТАНИШИНГ, БАШОРАТЧЕВАР!

Тинимсиз меҳнатлари, изланишлари туфайли элда кадрини, ҳаётда бахтини топаётган аёллар оз эмас.

Башоратхон бугун нафақат вилоятимизда, балки, республикада ҳам машҳур. У «Ташаббус-2003» республика танловида «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича совринли иккинчи ўринни эгаллаган.

— Асли пскентликман, — деб гап бошлади у. — Аёл киши қаердан бўлса ҳам, энг аввало, келин бўлиб кирган хонадонига, унинг оила аъзоларига меҳр қўйса, уйим-жойим, бахтим шу оилада десагина ниятига етади. Мен ҳам Ўртачирчиқ тумани Роватак қишлоғидаги катта бир хонадонга бош

келин бўлиб тушганимга 23 йилдан ошди...

Аёл киши укувли, режали иш тутса, саранжом-саришта бўлса, ҳамма ишга улғуради. Уйда ўтирган дамларимда Бекобод шаҳридаги тикувчилик техникумини битирганлигим қўл келди. Дастлаб ён атрофимдагилар, таниш-билишларга буюртма асосида кийим тика бошладим...

Орадан анча вақт ўтди. Анча зийрак, нозик дидли Башорат қўлидан чиққан либослар аёллар ўртасида тезда машҳур бўлиб кетди. Ҳамқишлоқ қизлар-

дан 15-20 нафарини йиғиб, тикувчилик касбини ўргата бошлади.

Замон билан ҳамнафас бўлмаган, ортда қолиб кетаверасан, киши. Гарчи чеварлик яхши фойда келтириб турган бўлса ҳам ҳунармандчиликка, зардўзлик санъатига алоҳида меҳр қўйди, 2000 йилда бухоролик Назира Бўроновадан зар тикиш сирларини ўргана бошлади. Ниҳоятда нозик дид, кунт ва сабр талаб қиладиган бу ҳунар сирларини ўрганишида устозининг ўрни катта бўлди, албатта.

Лекин, шогирдининг ўзида бўлмаса, астойдил ишга киришмаса, мақсадга эришиш қийин.

Чунки, зардўзлик мураккаб санъат. Ҳар бир қатимини жой-жойига қўйиб тортиш, тилло ипақларни авайлашнинг ўз йўли, санъати бор. Киши бирор ишга киришганида сабр билан изланиши, турли тўсиқлардан чўчимаслиги керак. Башорат ўзида ана шундай кучқудратни топа олди. Унинг саъй-ҳаракатлари зое кетмади. Туманда «Башорат» хусусий зардўзлик фирмаси очилди. Туман меҳнат биржаси ва агробизнес ўқув маркази орқали 20 нафар қизга зардўзлик санъати ўргатилди, уларга уч ой давомида стипендия берилди, касб маҳорати сингдирилди.

Аста-секин роватаклик зардўз қизлар меҳнатининг маҳсули — ипақлари зар дўппилару зар чопонлар, зарпалагу чойнакпўшлар туман, вилоят, республика танловларида намоёиш этилиб, совринли ўринларни эгаллай бошлади. 2001 йил қувончли бўлди. «Шу азиз Ватан барчамизники» фестивалида иштирок этган зардўзлар анжуман дипломи ва қимматбахо соғва билан тақдирландилар. Бугунги кунга келиб шогирдлар сони 400 дан кўп. Ҳозир бу хусусий корхонада 50 хилдан ортқ маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

— Шу кунларда тадбиркорлик фаолиятимизни яна ҳам кенгайтириш ҳаракатидаман, — деди суҳбатимиз якунида Башорат Нуруллаева. — Ўқув маркази очиш ниятим бор. Истайманки, қишлоқ қизлари ҳам турли замонавий касб-ҳунарларни мукамал эгаллаб олишсин, бозор муносабатлари шариоитларида ўз ҳаётлари ва турмушларини кўнгилдагидек ташкил эта олсинлар.

Зулайхо ХУЖАЕВА.

СУРАТДА: Башорат Нуруллаева шогирдлари билан машғулот ўтказмоқда.



**Бизнинг суҳбат**

минг, соғлиқни сақлашда 30 мингдан кўпроқ хотин-қизлар ўзига хос ибрат, намуна кўрсатиб, меҳнат қилаётдилар.

— **Адиба Комилжоновна, жамият равнақида кўп нарса аёл кишининг маънавий етуклигига боғлиқ...**

— Бўлмасам-чи! Аёл фариштали, оқила, доно, меҳрибон ва меҳнатсевар бўлмас экан, у қандай қилиб ўз зиммасидаги бурчларини уддалай олади?!

Аёл — ниҳоятда серкирра, яхши бир маънода айтиш мумкинки, жумбоқли сиймо. Табиатан ўзи шундай яратилган. Ҳаётимизнинг ҳамма жиҳатларига — фарзандлар, оға-инилар, опа-сингилларнинг эсли-хушли, меҳнатсевар, зукко инсонлар бўлиб вояга етишидан бошлаб, оила фаровонлиги, юрт ободчилиги, давлат равнақида бўладиган жараёнларда уларнинг саъй-ҳаракатлари салмоқли ўрин тутди.

Кисқаси, аёл маънавий-маърифий жиҳатдан қанчалик етук, баркамол бўлса, оиладан кут-барака аримади, хотиржамлик ва эртанги кунга ишонч барқарор бўлади. Мустақиллик йилларида аёл, оила, фарзанд тарбиясига эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлигининг сабаби шунда.

Ишчи-хизматчи, деҳқон аёл ўз ишида эркакдан қолишмайди, ҳатто юмушнинг оғирини кўпроқ унинг зиммасига юклаб қўямиз. Гап қуруқ бўлмаслиги учун аграр соҳани олиб кўрайлик. Қачон қарамайлик, далада асосан хотин-қизларни кўрамиз. Улар тонг саҳарлаб нон ёпиб, сигир соғадди, уйни йиғиштириб, наридан бери бир пиёла чойни ичишадиган далага шошилишди. Асосан шуларнинг қадоқ қўллари билан ноз-неъмат, бойлик яратилди.

Шу боис қишлоқ аёли ҳақида кўп ўйлайман. Қани энди шу қадоқ қўллар муносиб кадрланса! Ўзига оро беришга ҳам вақт топса! Оиладан бошлаб мамлакат миқёсида аёлга ўнг кўз билан қарашимиз, меҳнатларини енгиллатиш омили, имконларини излашимиз лозим. Уларни эҳтиёт қилиш, шароитини яхшилашимиз керак. Фақат ташқи кўринишига қараб баҳо бериш ярамайди. Ўша қадоқ қўлли пудратчи аёл билан бир дардлашиб кўринг! Эҳ-ҳе! Шундай мулоҳазалар, баъзани тақлифлар эшитасизки, гоҳи лол қоласиз, ўз ишингизни шунга мутаносиб ташкил этишни ўйлайсиз. Қишлоқдаги аёлга кўп-кўп нарсани раво кўраман. Улар учун маиший хизмат турларини кўпайтириш керак. Қани энди, тадбиркорларимиз улар хизматига камарбаста бўлса...

— **Биз қадимий қадриятимиз — аёлга алоҳида эҳтиромимиз билан фахрланамиз. Аёл ҳам ўз кадр-қимматини асраши, юқори тутуши, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, «ишини билиб-билиб қилиши» керак, шундай эмасми?**

— Иш юзасидан кўп жойларда бўлман. Файзли хонадонларни, супуриб, сув сепилган йўлқаларни, ариқ бўйларида гул-

(Давоми. Боши 3-бетда).

лар очилиб турганини кўрсам, яйрайман, хузур қиламан. Албатта, бу борадаги ишлар кўп жиҳатдан уй бекаларига боғлиқ. Уларнинг кадр-қимматини ўрнига қўйиб, шахс сифатида камол топтириш, рўзгорни бошқариш, тарбияни кучайтиришдаги нуфузини ошириш муҳим вазифа.

Яқинда Қорахтойда Булоқ кишлоғининг хотин-қизлари билан бир учрашув ўтказдик. Аёллар чунонам хурсанд бўлишдики, кўяберасиз. Бу нигоҳлардаги самимийлик, сўзлардаги беғуборликни кузатиб-тинглаб ўзим ҳам роҳатландим.

Аммо ҳаммиша ишлаш шундай кўнгилли

# СИЗ БИЛАН ОБОД БУ ВАТАН

бўлавермайди. Чекка қишлоқларда «унутиб» қўйилган аёллар билан учрашганимда, қаровсиз, эътибордан четда қолган клублар, маданият саройларига кўзим тушганда, очиги, ич-ичимдан эзилди кетаман. Маданият ишларида, маънавиятда ҳал қилиниши лозим бўлган юмушларимиз кўп. Сиз ҳозир тилга олган азалий соғлом, тоза илдишларимиз — қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъана ва маросимларимизга янгиланаётган замона руҳини сингдирсак, уларнинг ёшлар тарбиясидаги таъсирини оширсак, айна муддао эмасми?!

Дарҳақиқат, аёлнинг ўзи ҳам миллий-анъанавий эҳтиромга муносиб бўлсин. Гоҳи хонадонлардаги тартибсизликларни кузатсам, вақтнинг югуриклигини, унинг қадрига етиб, тўғри режалаштириш, ундан самарали фойдаланиш нечоғлик муҳимлигини ўйлаб кетаман.

Демак, шу хонадон аёли ўзини кадрламайди, дангаса. Азонда туриб, ҳовлию-дарвозаси олдини супуриб, орасталаш ўрнига майда-чуйда, икир-чикир ишлар билан овора бўлади. Охир-оқибат теварак-атроф ифлос, бетартиб ҳолга тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Яна бир гап шуки, ширинсўзлик, хушмуомалалик — халқимизнинг азалий фазилати. Бу жиҳатдан ҳам аёлларимизга кўп нарса боғлиқ. Афсуски, замона зайли деб, пул топиш, «рўзгор тебратиш» важида аёлларимиз, ширин-шакар қизларимиз кўчага чиқиб кетаётганлиги оқибатида бу фазилатга ҳам путур етиб бормоқда. Отадан, ака-укадан уялиш, тортиниброқ туриш одатларимиз ҳам йўқолиб кетаяпти. Ярашмаган кийим кийиб, ўқишга, ишга чиқиб кетаётган сингилни нега ака қайтармайди? Унинг орияти қаерда қолди?

Баъзан йўлдан адашган аёлларимиз ҳам йўқ эмас. Уларга ёрдам қўлини чўзайлик,

бағримизга қайтариб, меҳр-оқибат, ёрдам кўрсатайлик. Ҳамма гап оиладаги ўзаро муносабатларни тўғри шакллантириб, ҳар бири киши ўз юмуши, вазифаси, масъулиятини аниқлаб, вақтида бажаришида. Покиза, соғлом фикрли, ширинсўз аёлларимиз қанчалик кўпайса, жамиятда, оилада ўзаро кадр-қиммат шунчалик юқори кўтарилади.

Айниқса, зиёли аёлларимиз қадриятларимизга амал қилишда, озодагарчиликда, кўни-қўшничилик удумларини ўрнига қўйишда бамисоли бир машъалага айлансин. Уларнинг ибрати, намунаси ўн-юз минглаб аёлларни тарбиялайди.

— **Жамиятимиз фахрига айланган аёлларимиз кўпайиб бормоқда. Шундай эмасми?**

— Биз мамлакатимиз равнақида муносиб ҳисса қўшаётган юзлаб, минглаб опа-сингилларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шуни айтиш кифояки, мустақиллик йилларида юзлаб хотин-қизларнинг меҳнатлари, фан-техника ривожига қўшган ҳиссалари муносиб тақдирланди. Фақат сўнгги икки йил ичида 73 аёл турли даражадаги давлат мукофотларига сазовор бўлди. Чиноз туманидаги «Йўлтушган» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси Хабиба Жўраева «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Янгийўлдаги 8-қурилиш ташкилотининг пардозловчиси Вера Неъматова «Дўстлик», Чирчиқдаги «Трансформатор» акциядорлик жамияти бўёқчиси Раҳида Ақромова «Меҳнат шухрати», Қуйичирчиқ туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси Карима Ергашева II даражада «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотландилар. Касбий кўриктанловлар, иқтидорли ва ташкилотчи ёшлар танловлари хотин-қизларимиз жамиятда ўз ўринларини топишларида кўмаклашяпти. Гулноза Турғунбоева, Рухсора Тўлабоева, Мастура Умарова, Екатерина Аблаева бадий ва илмий ижод соҳаларида Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлишгани бунинг исботидир. Чунончи, Мастура Умарова Ўзбекистон сугориладиган ерларида юмшоқ ва қаттиқ бугдой селекцияси учун бошланғич манба яратиш мақсадида илмий излашни олиб бормоқда. Екатерина Аблаева эса Ўзбекистон Республикасида хандон пистанинг экспорт имкониятларини илмий асосда ўрганмоқда.

Кўриб турибмизки, оилани файзли, хонадонни маъмур қилиш, юрт ободончилиги, Ватан равнақи кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ. У ўзини тўла намоён этиши учун эътибор, аввало, инсоний муносабат керак. Жамиятимизда шундай ҳолат изчил шаклланиб бормоқда. Бу қонунчилигимиз мукамаллаштириляётганида, аёлларни ижтимоий муҳофазалаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигида, уларнинг кадр-қимматини ўрнига қўйиш учун интилиш кучайиб бораётганида намоён бўлмоқда. Ўйлайманки, хотин-қизлар кўмиталари давлат бошқаруви идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аёлларнинг оила ва жамиятдаги ролини яна ҳам ошириш йўлидан бораверадилар.

**Замондошларимиз****Фойдали фикр олишув**

Оҳангарон туманида тадбиркор аёллар сафи кенгайиб бормоқда. Вилоят «Бунёдкор аёл» маркази томонидан яқинда ўтказилган давра суҳбати ҳам шу мақсадга хизмат қилди.

Унга тўпланган ҳокимлик бўлимлари, банкларнинг ходимлари ва тадбиркор аёллар кичик ва ўрта бизнес вазифаларини изчил ва самарали ҳал этишга қаратилган биргаликдаги режани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш хусусида фикрлашиб олишди. Хунарманд ва фермер аёллар тадбиркорлик фаолиятига қишлоқлардаги янги-янги кучларни жалб қилишга қаратилган фойдали тақлифларни илгари суришди.

Ўз мухбиримиз.

**Ташаббус**

Фуқаролик жамиятини шакллантириш мобайнида нодавлат жамоат ташкилотларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги нуфузи тобора кўтарилиб бораётир. Бугунги воқелигимизда, давлат, ҳуқуқ-тартибот идоралари, хўжалик ташкилотлари, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти самарадорлигини кўтаришда, хусусан, хотин-қизлар кўмиталарининг кўнакли ва истиқболли ишлари тобора муҳим аҳамиятга молақ бўлаётганлигини кўриб турибмиз.

— Шу боис зиммамга янги иш юклатилганида фаолиятимни вилоятимиздаги ибратли тажрибалар билан танишишдан бошладим, — деди Зангиота туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Ҳолида Рустамова. — Паркентдан катта таассуротлар билан қайтдим. Фаолларимиз билан маслаҳатлашиб, у ердаги тажрибани кенгроқ ўрганишга жазм қилдик. Жойлардаги хотин-қизлар кўмиталаримиз раисларидан бир гуруҳи Паркентда бўлиб, фаолиятни ташкил этиш, ишни режалаштириш, турмушда учрайдиган муаммоларни ҳал қилиш, хотин-қизларнинг маънавий-маърифий тарбияси ва ҳуқуқий билимларини ошириш амалиёти билан батафсил, синчиклаб танишиб чиқди. У ердан

## БИРНИ ФИКР КЎРИБ ҚИЛ...

қайтгач, фаолларимиз ўз ишларига янгича нигоҳ билан қарай бошлаганлиги дарҳол сезилди. Қуни кеча Паркентнинг фаол аёллари Зангиота туманига ташриф буюришди. У амалий ўқув машғулоти тусини олди. Тадбирга Чиноз ва Тошкент туманлари хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллари ҳам қўшилишди. Хонабоддаги жокей-клубида болаларнинг от спорти машғулоти

лари меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Улар ўзгариш кишлоғининг Бобур маҳалласи хотин-қизлар кўмитасининг тадбиркор аёллари саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш тажрибаси билан ҳам қизиқиб танишишди. Маҳалла ишбилармонлари ва

тадбиркорлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўрғазмаси, унда намоёиш этилган чинни идишлар, стол-стул ва юмшоқ меҳнатлар юксак сифати, замонавий дизайн билан меҳмонларга ёқиб тушди. Маҳаллада гул ва спорт байрамлари ўтказиш яхши анъана бўлиб қолган. Бўлғуси чеварлар, қандолатчилар ҳам махсус таълим марказларида касб-кор сирларини ўрганишяпти.

Машғулот иштирокчилари Зангиота зиёратгоҳида бўлиб, ўтмишнинг бой маънавий мероси билан танишишди. Шу қишлоқ хотин-қизлар кўмитасининг раиси Жамила Арслонова оилаларда тотувликни барқарор тус олдириш, қайнона-келин муносабатлари, ўсмирлар тарбиясига тааллуқли муаммоларни ҳал этиш тажрибаси билан ўртоқлашди.

Ўқув-тажриба алмашиш анжумани иштирокчиларининг машғулоти ҳокимлик ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати билан якунланди. Унда Чиноз, Тошкент, Паркент туманлари ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталарининг раислари Хабиба Шерова, Мастура Шокирова, Гулчеҳра Исломова, Қатортол қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар кўмитасининг раиси Нодира Жўрабоева, «Соғлом авлод» таянч пункти раҳбари Шоира Отабекова-лар фаол иштирок этиб, хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини кучайтиришга қаратилган фойдали фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Жуман ЮСУПОВ.



## Факт ва шарҳ



## КЕЙИН АТТАНГ ДЕМАНГ

Тоғолди туманларидан бирида аёлларга нисбатан зўравонликни тугатиш муаммосига бағишланган йиғилиш давом этмоқда эди. У ЮНИФЕМнинг «Оилада зўравонлик: анъанавий тарздаги салбий жиҳатлар» лойиҳаси асосида ташкил этилганди.

Фикр олишув қизиқ борди. Бир пайт орқа қатордан:

— Менга сўз беринг, — деган хаяжонли бир овоз эшитилди.

Ўрта ёшлардаги бир жувон даврага чиқди. Унинг катта-катта шахло кўзларида ёш қалқиб турарди.

— Бу ерда айна менинг дард-ҳасратларимга ҳамоҳанг фикрлар айтилмоқда, — тўлқинланиб гап бошлади аёл. — Оиладаги асосий зўравонлик, асло сир эмас, қизларни зўрлаб, мажбур

қилиб узатишда ифодаланади. Шахсан ўзим айна шу зўравонликнинг қурбониман. Мени отам зўрлаб сурункали касалликка чалинган катта аммамларга келинликка берганлар. «Бегона оилдан тушган келин синглимга яхши қарамайди», — деб шундай қилганлар.

Шу-шу қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг жабрини тортиб ўтаяпман. Фарзандларим ногирон бўлиб туғилди...

Мени зўрлаб узатган отам ҳам, аммам ҳам аллақачон ўтиб кетишди. Мен бўлсам, қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳнинг кўнгилсиз дард-ҳасратларини умрим бўйи тортиб келаяпман...

Воқеани шарҳлайдилар:

### Илҳомжон СУННАТИЛЛАЕВ, Тошкент вилоятининг имом хатиби :

— Аллоҳ ўзининг каломи — Қуръони Каримнинг кўп жойларида бандаларни, қодир бўлсалар, никоҳланишликка амр қилади. Ҳадиси муборакларда ҳам никоҳланишлар ва фарзандли бўлишлар, деб марҳамат қилинади.

Албатта, никоҳ Аллоҳнинг фарзи, Расулulloҳнинг суннатларидир. Никоҳланишликдан мақсад фарзанд талабида бўлишликдир. Ўғил ёки қиз балоғат ёшига етганидан сўнг Аллоҳнинг иродаси билан насиб этса, фарзандлик бўлишга қодир бўлади. Оятда айтилганидек, фарзандлар қувончи уларнинг ҳар томонлама — ҳам жисман, ҳам руҳан, ҳам маънан соғлом бўлишигадир. Бундай фарзандларга эришиш учун тўлиқ балоғатга етишимиз зарур. Бир иллат борки, у ҳам бўлса, қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳ. Қавм-қариндош, ака-ука насл жиҳатидан бирлашган. Шу сабаб бегоналарнинг бир-бирлари билан бирлашишлари афзал. Бу бирлашишнинг бир йўли бегоналар билан куда бўлишликдир. Ўйлашмики, бундай қудачилик қилиш ҳар томонлама, ҳатто фарзанд соғлиғи учун ниҳоятда фойдали. Тиббиётда қон суриш деган атама бор. Бу яқин қариндошлардан бўлган фарзандларнинг носоғлом бўлишлари демакдир. Бегоналар ўртасида тузилган никоҳ туфайли эса қон суриш ҳолати кузатилмаган. Демак, яқин қариндошлар билан куда бўлгандан кўра узоқ, бегоналар билан куда бўлишлик афзал.

### Миршокир ШАРИПОВ,

### Вилоят туғруқ мажмуининг бош шифокори:

— Оила қуришдан асосий мақсад фарзанд кўриш, болаларга бахтли ҳаёт ато этиш, жамият манфаати йўлида самарали меҳнат қилиш, соғлом, баркамол авлод давомийлигини сақлаб қолишдир.

Оила қуришнинг яна муҳим шарты яқин қариндош-уруғлар куда бўлиши, фарзандлар бахтига зомин бўлмаслик. Чунки, қариндошлар ўртасидаги никоҳдан туғилган болаларда туғма ирсий касалликлар кўп учрайди, ногирон фарзандлар дунёга келиши бот-бот кузатилади.

Сабабки, касаллик кўзгатувчилар генларда жойлашган. Эрак ва аёл генидаги бир хил касаллик, ирсий ҳолат бола ногирон туғилишига олиб келади.

Ҳаётининг бир мисол: амакисининг қизига уйланган йигитнинг биринчи фарзанди туғма ногирон — орқа мия чурраси билан дунёга келди. У мутлақо гапира олмайди, қўл ва оёқлари ишламайди. Даволатиш учун кўрмаган чораси қолмади. Лекин, бари бефойда. Бир умр тўшақда ётган бола — бахтли болалик, ёшлик, турфа олам гўзаллиги ва неъматларидан бебаҳра, азоб-уқубатда умр кечиради.

Яқин қариндошлар орасидаги никоҳ натижасида болалар даун касаллиги, бош мия, орқа мия чурраси, микроцефалия, гидроцефалия, хондродистрофия, оғир юрак касалликлари, қизилўнғач ва тўғри ичак атрезияси, диафрагма чурраси каби касалликларга чалинган ҳолда туғилади. Бу аянчли ҳолатлар юз бермаслиги учун қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳдан сақланиш керак. Генетик, ирсий касаллик хомиладорлик даврида кучайиб, хомилага салбий таъсир қилиши, аёл ҳаётига хавф туғдириши ҳам кўп кузатилади.

## Оқил ота почтасидан

### РЎМОЛНИ ЯНГИЛИГИДАН АСРАНГ

Ҳурматли Оқил ота!

Менинг мактубим ғайритабиий туюлиши мумкин. Лекин, нима бўлганда ҳам, уни ёзишга қарор қилдим.

Дўстим Азимбек Тўлаганов не-не умидлар билан Мавлуда билан турмуш қурди. Улар тўрт йилча бирга яшашди. Икки фарзанд кўришди. Афсуски, мурасалари келишмади. Кўп борди-келдилардан кейин, туман судининг ҳал қилув қарорига биноан никоҳлари бекор қилинди. Азимбек номусли, ориятли йигит. Фарзандларини ташлаб қўймади. Аввало, суд қарорига биноан Мавлудага бирга яшашган унинг ярим нархи — 270 минг сўмни нақд тўлади. Икки фарзанди учун ойлик маошининг 33 фоизи миқдоридидаги нафақани

ихтиёрий равишда почта орқали юбориб туради. Менинг аниқ ҳабарим бор: 1999 йили 57 минг 369 сўм, 2000 йили 60 минг 979 сўм, 2001 йили 81 минг 324 сўм, 2002 йили 115 минг 454 сўм нафақани тўлаган. Имконини топиб болаларга кийим-кечак ҳам олиб беради. Уларга ёрдам кўрсатишдан асло қайтмаслигини айтади.

Табиики, бу — ҳаёт. Никоҳ бекор қилинган, 1998 йил 13 октябрда дўстим Салимаҳон билан никоҳдан ўтиб, янги оила қурди. Шундан кейинги нотинчликларни кўяверасиз. Собақ хотини Мавлуда турли идораларга ёз-ёзни кўпайтириб юборди.

Комилжон,  
Чиноз туман, Олмазор  
шаҳарчаси.

**Оқил отанинг жавоби:** оилавий бахт ўз-ўзидан келмайди. Унга эришиш учун эру аёлдан кўп нарса талаб қилинади. Қизим, Мавлуда, сиз икки фарзандлик бўлганингизча буни тушуна олмангиз, оилани сақлаш, фарзандларни тирик етим қилмаслик учун Азимбек билан баҳамжиҳат бўла олмангиз. Энди тақдирга тан бермасликдан бошқа иложингиз йўқ. Қадимгилар айтганидек, рўмолни янгилигида асраш керак эди.

Айтайлик, Азимбекнинг раҳбарлари сизнинг даъво-арзларингизни инobatга олишди, уни сиз талаб қилаётганингиздек ишдан ҳайдашди. Бундан кимга фойда? Алам-аччиқда шу даъвои қилиб юрган сизгами ёки икки гўдагингизга?

Маслаҳатим: бўлар иш бўлиб, гишт аллақачон қолиддан кўчган. Тақдирга тан бериб, орада Азимбекнинг икки фарзандингизга меҳрини сўндириб қўйманг.

## ҚИЗИМ СЕНГА АЙТАМАН

Яккаю ягона ўғлимни не-не умидлар билан уйлантирдим. Келиним Зебоҳон бир фирмада ишлайди. Ўзи ақли расо бир қиз. Аммо лекин кийиниши ёқмайди. Бир кўрсангиз, эгнига кийгани нималигини англай олмайсиз: ҳаммаси енгил-елпи, очик. Бугун тоқатим тоқ бўлди. Охири

сизга ёзиб, маслаҳат сўрашга жазм қилдим. Ишга шортиқда отланипти! Хай-хайлаганимга қулоқ солмай, чиқди-кетди. Ўғлимга айтай десам, жанжал кўтарадими, дейман. Оқил ота, нима қилай?

Замира УМАРОВА,  
Кибрай.

**Оқил отанинг жавоби:** қизим Замираҳон, оғир-вазмин бўлинг, арқони узунроқ ташланг. Биласиз-ку, юриш-туриш одатлари, шу жумладан, кийиниш кўникмаси узоқ шаклланиб, бир кунда, бир гап билан ўзгармайди. Келинингизга кийиниш фазилатини аста-секин сингдириш. Бунинг учун ишни яхшиси ўз қизларингиздан бошланг. Улар кийинишда, муомалада, юриш-туришда, ҳар жиҳатдан намуна бўлишсин. Қисқаси, «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит», қабилда иш тутсангиз, ёмон бўлмайди, деб ўйлайман.

## Билмайин босдим тиканни

...Болалар уйининг чиннидек супуриб-сидирилган, соя-салқин ҳовлисида жажжи ўғил-қизларнинг одатдаги чуғур-чуғури. Лекин қутилмаганда: «Ойим келдилар, ойим келдилар», — деган шодон қийқириқлари уни босиб кетди. Болалар уйи раҳбари Тоҳира опа чопқиллаб келаётган жажжиларнинг бирини кўтариб, бағрига босди. Бир чеккада тим қора кўзлари жиққа ёшга тўлган, икки ёшлар чамасидаги қизалоқ лаблари бурилиб, йиғлай-йиғлай деб турарди.

— Вой, асалгина қизим Дурдонаҳон билан кўришмабман-ку, келақол, асалим... — Тоҳира опа уни қўлига олди. Қиз баралла йиғлаб юборди.

— Бир ой бўлди... Автобус бекатидан топиб, бизга олиб келишди, — дейди Тоҳира опа Дурдонани тарбиячи опаларига топшириб. — Лекин, ҳанузгача ҳеч ким қидириб, йўқлаб келмади. Икки кўзи кўчада...

Ичкарида куйичирчиқлик бир аёл кутиб турган экан. Уни кўриб, Тоҳира опанинг юзлари ёришиб кетди.

— Болажонингиз жуда яхши, Икки ойлардан сўнг уни олиб кетишингиз мумкин...

Аёл эрталабдан болани овқатлантириб, ўйнатганлигини, энди хотиржам эканлигини айтиб, чиқиб кетди. Маълум бўлишича, унинг ёлғизгина қизи бор. Бошқа фарзанд кўриш мумкин эмас. Шунинг учун ҳужжатларни тайёрлаб, ўғил болани тарбиялаб олишга тайёргарлик кўраётган экан.

Шу икки хил вазият, икки хил тақдир бизни ўйлантириб қўйди. Кимдир ўз фарзандини дуч келган жойга хор қилиб ташлаб кетса-ю, бошқа биров мана бу ўзганинг боласини жон-жон деб бағрига олишга, унга оналик меҳрини беришга тайёр турса.

Янгийўл шаҳридаги «Кичкинтой» вилоят болалар уйида тарбияланувчилар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Ниҳоятда батартиб, саранжом хоналар, муסיқа ва спорт заллари, тиббиёт хоналари, ошхона... 30 нафардан кўпроқ тарбиячи ва энага 58 нафар тарбияланувчига парвона. ШифокорТатьяна Цзе эса уларнинг соғлигидан доимо бохабар. Кўп йиллик тажрибага эга Лариса Зарипова, Хатира Мирзабоева, Матлуба Эргашева, Мукаррам Алиева каби тарбиячи ва энагалар ҳар бир кичкинтойга меҳр-муҳаббат кўрсатишади.

Хуллас, болалар уйида ҳамма шарт-шароит муҳайё. Лекин тақдир тақозоси билан бу ерга келиб қолган кичкинтойларнинг кўзларига бир

боқинг, оилавий муҳит, ота-она меҳри етишмаслигини ҳис қиласиз. Ҳар қанча ҳаракат қилишса ҳам, бу меҳр тафтини тарбиячилар уларга беришолмайди.

Мана бу Ҳасан ва Зухрани ташлаб кетишганда вазнлари бир килога ҳам етмас, ниҳоятда нимжон эдилар. Мана, етти ойлик бўлиб қолишди, тийрак, ривожланиши бўйича ўз ёшидагиларга тенглашиб бормоқда.

Чимилдик кўрмай, ўзини тақдир ҳукмига топширган, енгил-елпи йўлда ёш умрини ҳазон қилаётганлар учраб туради. Ана шундай, оний лаззат туфайли дунёга келган ва воз кечиб, турли йўллар билан ташлаб кетилаётган гўдақлар озми?

Санобарнинг туппа-тузук оиласи, икки нафар ширин-шакор фарзанди бор эди. Лекин, эрининг топишига қаноат қила олмайди, қадам босиши бежо бўлиб қолди.

Қайнота-қайнона, эр уни бир неча маротаба оғоҳлантиришди. Фойдаси бўлмади. Охир-оқибат оила бузилди.

Энди Санобарнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари ошкор бўлди. Тўнгич қизчасини йиллаб кўрмасликка одатланган Санобарга, албатта, бу гўдақ малол келди. Гўёки, бирор кераксиз буюмдек уни ахлатхонада қолдирди-ю, кетди.

Хайриятки, инсофли кишилар туфайли боланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бугун у бир ярим ёшда. Бирам ширинки, кўрсангиз, ҳавасингиз келади. «Она» эса унинг ҳаётда борлигини ҳам аллақачон унутиб юборган.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Баъзи оналар қизларининг юриш-туришидан вақтида хабардор бўлмай, унинг тарбияси билан шуғулланмай, гишт қолипдан кўчгач, «болани йўқот» деб йўл кўрсатадилар. Исноддан қочиб, жиноятга қўл урадилар.

— Болалар уйимиз Тошкент ҳамда Сурхондарё вилоятлари ҳудудидаги бир ёшдан уч ёшгача қаровчисини йўқотган соғлом болалар учун мўлжалланган, — дейди Тоҳира Исмоилова. — Болаларимиз уч ёшга тўлишгач, мактаб-интернатларга жойлаштирамиз. Лекин уларни етти ёшгача тарбиялаш учун барча шароитларимиз етарли.

Вилоят ва Янгийўл шаҳар ҳокимликлари, жамғармалар, sanoat корхоналари, «Ўткир» хусусий фирмаси яхши ёрдам кўрсатишяпти. Шу боис, гўдақларни етти ёшгача тарбияласак, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Зудхумор ЖўРАЕВА.



**Улар ҳақида кам ёзилади**

Гулсара олий адлиявий билим олиб, мустақил иш соҳасига ўзига хос қадамлар билан келди. Бугун ундан ижтимоий-меҳнат фаолияти ҳақида сўрасангиз, гапни 1985 йили прокурор ёрдамчиси даражасидаги вазифадан бошлади.

Ёш ҳуқуқшунос учун дастлабки иш йиллари ўзига хос «дорулфунун» бўлди. Масалага, воқеа-ҳодисага қандай ёндашиш ёки ёндошмаслик мезонларини ўзи учун Гулсара Эргашевна ўша йиллари белгилаб олди. Кўп ўтмай уни туман суди раислигига сайлашди. Мана, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судига раҳбарлик қила бошлаганига ҳам икки йилга яқинлашиб қолди.

— Бир туманда йиллаб ишлаш, одамлар кўзига тик қараб яшаш қийин, — Гулсара Эргашевна тез-тез гапира бошлади. — Айниқса, бизнинг суд-ҳуқуқ соҳамизда. Бу — бор гап. Аммо шуни рўй-рост, инсоний энгилликни ҳис қилиб айта оламани, мени шу Зангиота тумани оёққа қўйди, тарбиялади.

Гулсара Эргашевна билан суҳбатимиз қизғин тус олди. Аслида бу аёлни Эшонгузар шаҳарчаси, бутун Зангиота туманининг аҳолиси яши таниб олган. Шу сабаб ўз дарди-ҳасрати билан эртами-кечми ишига, уйига қидириб-истаб келаверишади. Ўзи ҳам суд раисиман, деб ўтирмайди. Кўпинча гоҳ у, гоҳ бу қишлоқда, туман марказидаги маҳалларда одамлар билан гурунглашаётган пайтида учратасиз.

— Мен ҳар бир жиноятчида, аввало, муайян одамни — инсонни кўришга интиламан, — давом этади Исахонова. — Нима сабабдан шу жиноятчи қўл урди? Шуни билишга интиламан. Аввало, айб қилдим, жиноят қил-

— Қизим, сенга раҳмат айтгани келдим, — узатилган пиёлани кўлига олаётиб, Йўлдош ака оғир-вазмин гап бошлади. — Одиллигинг учун. Ўшанда судни чўздинг. Аввалига, асабийлашдим, лекин иккинчи-учинчи суд мажлисидаги гапларингдан тушундимки, қандайдир гумонларинг, тусмолларинг бор. Шундан кейин мен ҳам юрак дафтаримни очдим. Пироварди ҳукминг ҳаққоний бўлди. Мана, муддатидан олдин чиқдим, бунга ҳам ҳукмга ёзган фикрларинг туртки берди.

— Бундай воқеалар бўлиб туради, — Гулсара Эргашевна телефондаги савол-жавобни туга-

тиб, гапида давом этди. — Куни кеча бир аёл келди. Қизи лицейни аълога тугатибди. Лекин, йиғиси ачиқ бўлди. Бир пайтлари у судланган, қизи ўқишга ҳужжат олиб борса, қабул қилишмаган. Қонун бўйича «ўтириб» чиққанидан кейин судланганлик олиб ташланиши керак. Лекин, бизда бу «тамга» умр бўйи сақланиб қолиб, фарзандлар тақдирига асоратли таъсир кўрсатади. Бу ҳам ўтмишдан қолган асорат, аслида. Ақаси ёки опаси судланса, бунинг айби нима? Нега жамият отанинг айби учун фарзандларининг кўкрагидан итариши керак?..

Судья ўшанда онага тегишли ҳужжатни тайёрлаб берди. Вақт ўтиб, ўша аёл судья ҳузурига яна келди. Ёнида либослари ўзига ярашиб турган бир қиз.

— Сизнинг оқ фотиҳангиз билан иқтисодчи бўлиб етишди қизим, — деди аёл.

Кеч кирди. Лекин, Гулсара Эргашевна иш кабинетининг чирроғи ёниқ. У эртага ўзи раислик қиладиган суд мажлиси ҳужжатларини ўқир, қоғозга ёзиб-чишиб ўтирарди. Туйқус телефон жиринглаганида, вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Уёқдан набирасининг товуши эшитилди.

— Кемиссизми, бувижон...

«Э-ҳа, бугун келин-кечаклар, набиралар йиғилишмоқчи эдику?» — хаёлидан ўтказди Г.Исахонова ва стол устидаги қоғозларни чаққонлик билан йиғиштира бошлади.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** 1. Қабул вақти. 2. Қатортол қишлоғида учрашув. 3. Мағзи данагидан ширин.

**Ёркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

**СУД РАИСАСИ**

дими, шунга яраша жавоб бериши тайин. Лекин жиноятга олиб келган сабабларни ўрганмаслик судья учун кечирилмас касбий хатолик бўлади. Иттифоқо, буни аниқ ойдинлаштирмай, ортиқ ҳукм қилиб юборсанг, кимга фойда? Жиноятчи баттар ашаддийлашади. Оила-си яна ҳам ортиқ азият чекади. Жамият учун ҳам янги муаммолар туғилади...

Суҳбатдошим гоҳ кулимсираб, гоҳ жиддий тус олиб, бир воқеани ҳикоя қилиб берди. Бир куни кечки пайт кабинетда ишлаб ўтирса, бир киши кириб келди. Дарров таниди — Йўлдош ака. Тўрт-беш йил олдин олти йилга «кесиб» юборган эди.

**МОНИТОРИНГ ЯХШИ НАРСА ЭКАН**

**Мамлакатимиз мустақилликка эришган кунданок, ҳукуматимиз ўсиб келаётган ёш авлодининг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишиши учун алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда Юртбошимиз ташаббуслари билан ишлаб чиқилган ва амалга ошириляётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Ҳозирда ушбу дастурнинг 2001-2005 йилларга мўлжалланган иккинчи босқичини ҳаётга татбиқ этиш бўйича беш йиллик чора-тадбирлар режаси амалга ошириляётган. Улар асосида бир қанча амалий ишлар олиб бориляпти.

Давлат таълим стандарти мониторинги мактабларда 5-9-синф ўқувчилари учун жорий қилиниб, таълим жараёнининг сифатини ўрганиш учун қулай услуб ҳисобланади. Бунда ҳар чоракда фанлар бўйича тест синовлари ўтказилади. Мониторинг натижалари мактаб ўқитувчилари кенгашида чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинади. Эришилган ютуқлар ва камчиликлар атрофлича текширилади.

Шаҳримизнинг ўзбек ва рус мактабларида кўпмиллатли аёл мураббий устозларимиз самарали меҳнат қилишмоқда. Уларда мактаб раҳбарларидан Искра Пак, Раъно Айтқулова, Анела Низомиддинхўжаева, Иноят Эргашева, Нортोजи Топилова ёшлар маънавияти, маданияти, ахлоқ-одоби борасида ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. 19-мактаб немис тили ўқитувчиси Гулжаҳон Маманазарова иш услубларини янада кенгайтириш, тажрибасини ошириш мақсадида Германияга бориб келди. Ўрганган барча услуб ва малакалари бўйича касбдошлари билан ўртоқлашиб, уларга ҳам йўл-йўриқ кўрсатиб келаяпти.

**Кибрий ҲАМДАМОВА,**  
Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлими давлат таълим стандарти мониторинги марказининг раҳбари.

**МАТОНАТ НАМОЙИШИ**

**Маълумки, жамият ҳаётида аёлларнинг ўрни алоҳида. Бугун қайси бир соҳага назар ташламанг, унда аёлларнинг шижоати ва заҳматли меҳнатларини кўзатамиз.**

«Чирчиққишлоқмаш» акциядорлик жамиятида ҳам эркеклар билан бир қаторда юзлаб аёллар меҳнат қилмоқда. Файратли ишчилардан Гулзира Эргашева, Дилбар Асомова, Людмила Серова ва бошқалар корхонанинг турли цехларида меҳнат қилиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга хизмат қилувчи замонавий машина-ускуналарни ишлаб чиқардилар.

Уларнинг оила, бола-чақа, рўзгор ташвишларини ҳам уддалаб, боз устига катта бир корхонада меҳнат қилишларини қатъий ирода ва матонат намойиши дейиш мумкин.

**Ўз мухбиримиз.**

**Меҳнат муносабатлари ва қонун**

**Гулнора «Дар ал-Салом Янгийўл дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида меҳнат қилиб юрган кезлари ҳомиладорлик таътилига чиққанди. Фарзанд кўриб, табиийки, уч йилгача унинг тарбияси билан банд бўлиб қолди. Вақти-соати келиб, ишга чиқса, унга:**

— Ишхона бўлиниб кетиши муносабати билан сиз билан меҳнат шартномаси бекор қилинган. Сиз ишдан бўшатилгансиз, — дейишди.

Гулнора Мамедова учун бу гап томдан тараша тушгандек бўлди. Кадрлар бўлимига, корхона раҳбарларига мурожаат қилишлар фойда бермади. У таътилда юрган кезлари корхонада таркибий ўзгаришлар рўй берганди. Жумладан, 2001 йилнинг 1 октябридани бошлаб, нон заводи «Янгийўл-нон» шўъба корхонаси сифатида мустақил фаолият кўрсата бошлаганди. Ўша пайтда, аниқроғи 13 ноябрда акциядорлик жамияти 104 нафар ходим билан меҳнат муносабатларини уларнинг ўз хоҳишларига кўра бекор қилиб, тўла ҳисоб-китобни амалга оширган, уларга тегишли амалга оширган, уларга тегишли барча ҳужжатлар шўъба корхонасига топширилганди. Ўша жараёнда Гулнора Мамедова билан меҳнат шартномаси бекор қилинмасдан, ҳужжатлар акциядорлик жамиятида олиб қолинганди. Ниҳоят, уч ёшга

**ҲАҚ ЖОЙИДА ҚАРОР ТОПДИ**

тўлғунча бола тарбияси юзасидан берилган таътил муддати тугаб, шу йил 7 январь куни у ишга чиқди. Ва, бошига катта ташвиш ёғилди. Ўзининг қонуний ҳуқуқларини талаб қилиб, Янгийўлда мурожаат қилган идораларидан жўяли бир гап чиқмагач, Гулнора касаб уюшмалари вилоят кенгашига шикоят хати ёзди.

— Биз бу мурожаатномани олганимиздан кейин, собиқ «Дар ал-Салом Янгийўл дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий меросхўри — «Янгийўл дон маҳсулотлари» корхонасида бўлиб, иш масалалари бўйича ишлаб чиқариш хусусиятидаги ва ходимларга те-

гишли ҳужжатлар билан танишиб чиқдик, — дейди касаб уюшмалари Тошкент вилояти кенгашининг ҳуқуқшуноси Надежда Ефимова. — Собиқ акциядорлик жамиятини қай-

та ташкил этиш ва кейинчалик Гулнора Мамедова билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 98-моддасида кўзда тутилган талаблар кўпол равишда бузилганлигини аниқлади. «Дар ал-Салом Янгийўл дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2001 йилнинг 13 мартда ходимлар ҳақида чиқарган 104-сонли буйруғи ва «Янгийўл дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2003 йил 7 январь куни Гулнора Мамедова билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги 4-Х-сонли буйруғини ҳақиқий эмас деб топдик...

Албатта, Гулноранинг қонунда кўзда тутилган ҳақ-ҳуқуқларини тўла-тўқис тиклаш, Меҳнат кодексининг 275-моддасида кўзда тутилган ҳақ тўлаш билан боғлиқ талабни қондириш осон бўлгани йўқ. Маъмурлар ўзларини гоҳ у ёққа-гоҳ бу ёққа олишди, турли ваз-корсонлар кўрсатишди. Лекин ходимнинг маънавий азиятларига сабабчи бўлган тўралар пировардида қонуний талабларни бажаришга мажбур бўлишди. Бунда касаб уюшмалари вилоят кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганованинг «Янгийўл дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг раиси Б. Боқиевга йўллаган 1/52-6-сонли тақдимнома-мақтуби ҳал этувчи ўрин тутди: «Ходимнинг бузилган меҳнат ҳуқуқларини тиклаш мақсадида Гулнора Мамедовага нисбатан 2003 йил 7 январдаги 4-Х-сонли буйруқни бекор қилишни тавсия этамиз, — дейилган эди тақдимномада. — Гулнора Мамедова илгариги вазифасига тикланиб, унга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 275-моддасида кўзда тутилган пул тўловлари тўла қондирилсин. Гулнора Мамедованинг меҳнат фаолиятига тааллуқли ҳужжатлар «Янгийўл-нон» шўъба корхонасига топширилсин».

Шундай қилиб, ҳақ жойида қарор топди, Гулнора ўз ишига тикланди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**



## «ФУТБОЛ ҒУНЧАСИ» ОҲАНГАРОНДА

Оҳангарон шаҳридаги «Цементчи» ўйингоҳи бир неча кун давомида футбол муҳлис-лари билан гавжум бўлди. Чунки, 11-12 ёшли болалар ўртасидаги анъанавий «Футбол ғунчаси» мусобақаларининг республика босқичи шу ўйингоҳда ўтказилди. 12 терма жамоа қатнашган ушбу мусобақага Ўзбекистон Футбол федерацияси хомийлик қилди.

Шиддатли ҳамда муросасиз кечган баҳсларда фахри биринчи ўринни Бухоро, иккинчи ўринни Жиззах, учинчи ўринни эса Андижон вилояти футболчилари эгаллади. Тошкент вилояти вакиллари 5-ўрин билан кифояланди. Вилоятимиз терма жамоасининг асосий таркибида Олмалик шаҳар спорт мактаби ўқувчилари тўп сурдилар.

Шу кун энг яхши ўйинчи, ҳужумчи, дарвозабон, мураббий, ҳакам каби қатор мансаблар бўйича голиблар аниқланди. Голиб ва совриндорларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Олмалик шаҳар ҳокимлиги ва бошқа ташкилотларнинг қимматбахо совғалари топширилди.

Хушноза МЎМИНОВА.

## «ТАНКЧИ» — ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ

Кўл тўпи бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди. Эркаклар ўртасидаги мусобақаларда Чирчиқ шаҳрининг «Танкчи» жамоаси голибликни кўлга киритди.

Тошкент шаҳрининг Ўзбекистон Миллий университети (ЎЗМУ) жамоаси иккинчи, Наманган давлат университетининг талабалари эса учинчи ўринни эгаллашди. Қизлар ўртасидаги баҳсларда пойтахтнинг «Алгоритм-1», «Алгоритм-СКИФ» ҳамда ЎЗМУ қизлари совринларни кўлга киритишди.

Голиб жамоалар шу йилнинг сентябрь ойида Тошкент ва Олмалик шаҳарларида бўладиган «Мустақиллик кубоги»га тайёргарлик кўришмоқда.

Ўз мухбиримиз.



## БИРИНЧИ ДАВРА ОРТДА ҚОЛДИ

Мамлакат XII миллий чемпионатида биринчи давранинг сўнги 15-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Саккиз учрашувнинг 6 тасида майдон эгалари, биттасида меҳмонлар голиб келдилар. Бир ўйинда жанговар дуранг қайд этилди. Дарвозаларга жами 25 та тўп киритилди.

«Дўстлик» Тошкентда «Пахтакор» меҳмони бўлди. Биринчи бўлимда майдонда тенг кураш намойиш этилди. Гочкули Гочкулиев ва Владислав Киряниннинг икки тўпига Мухтор Курбоннов бир тўп билан жавоб берди. Танаффусдан сўнг

80-дақиқада Зайниддин Тожиев яна бир тўп киритиб, ҳисобни 3:1га етказди. «Пахтакор» муҳим уч очкони ўз ҳисобига ёзиб қўйиб, 41 очко билан жадвалда иккинчи поғонани эгаллади.

«Металлург» эса Зараф-

шонда «Қизилқум» билан баҳс юритди. Майдон эгалари рақиблари дарвозасига 3 та жавобсиз тўп киритиб, ютукни кўлга киритдилар.

Турнинг марказий учрашуви Фарғонада бўлиб ўтди. «Нефтчи» — «Навбахор» ўйинида майдон эгалари 3:1 ҳисобида зафар кучиб, 42 очко билан биринчи даврани биринчи ўринда якунладилар.

«Насаф» — «Бухоро», «Кўқон-1912» — «Андижон» учрашувларида бир хил 2:1 ҳисоби қайд этилди. «Самарқанд-Д» — «Трактор» — 2:0, «Гулистон» — «Машъал» — 0:2, «Сурхон» — «Цементчи» 2:2.

Талъат ЮСУПОВ.

## СОВРИН ТОШКЕНТЛИКЛАРДА

Пойтахтимиздаги Марказий зо-битлар уйи ўйингоҳида баскетбол бўйича «Камолот кубоги» мусобақалари бўлиб ўтди. Уч кун давом этган баҳсда республикамизнинг жами 13 терма жамоаси голиблик учун кураш олиб борди. Шиддатли ҳамда муросасиз кечган ўйин натижаларига кўра, совринли ўринларни Тошкент шаҳри, Навоий, Бухоро вилоятлари вакиллари эгаллашди. Қибрай туманининг «Камолот» жамоаси эса 6-ўрин билан кифояланди.

Голиблар тегишли ташкилот ва ҳомийларнинг фахрий ёрлик, қимматбахо совғалари билан тақдирланди.

Муҳаббат АЮБЖОНОВА.

## Умидли ёшларимиз

Эндигина ўн олти баҳорни қаршилаётган йигитчанинг болаларча энгил руҳияти, ҳар бир учрашувда фақат ғалаба ва бунга қомил ишончи, меҳнатсеварлиги, шохмотга том маънода берилганлиги ҳар қандай одамнинг қалбида илқиклик ва муҳаббат уйғотиши табиий.

Мирсодиқ Содиқов, балки, сизга танишдир. Республика чемпионатлари, вилоят, туман биринчилиги мусобақаларида доимо кўли баланд келади, нари борса, дуранг натижаларга эришади. Шу йил 5-11 июнь кунлари Андижонда академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Баркамол авлод-2003» спорт ўйинларининг республика босқичида у шохмот бўйича олтин медал соҳиби бўлди.

Биз унинг спортга кириб келиши, ўй-хаёллари ва орзу умидлари хусусида суҳбатлашиш мақсадида хонадонига қадам ранжида қилдик. У билан суҳбатлашар эканмиз, болаларча соддалик, катталардай улғуворлик унинг мурғаккина юрагида уйғунлашиб кетганлигини дил-дилимиздан ҳис қилдик. У шохмот уйнаётганда хаёлидан нималар кечиши ҳақида сўраганимизда, шундай жавоб берди:

— Ўйинга киришимиз билан ҳамма нарсани тамоман унутман, бутунлай бошқа оламга сайр қиламан. Дона сурганимда фақат ва фақат ғалабани ўйлайман ва шунга интиламан.

Ҳозир Мирсодиқ Тошкент Давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейининг аълочи ўқувчиларидан. Шохмотдан ортиб, миллионлар ўйини бўлмиш футбол билан ҳам шуғулланади. Ойнаи жаҳон қарши-сида соатлаб ўтириш унинг учун ёт. Уй юмушларини маромига етказиб бажариши онасини қувонтиради. Бўш вақтларида шохмотга оид ҳамда бадий ада-

биётларни севиб ўқийди.

— Ҳаммасига қандай улғурасиз?

— Агар одамда астойдил меҳр, қизиқиш бўлса, у ҳамма нарсани улғуради.

## КЎЗ ОЧАЁТГАН БУЛОҚЛАР



— Устозларингиз кимлар?

— Энг биринчи устозим бувам Тоир Содиқов бўладилар. Беш ёшлигимда ёнларига олиб, шохмот тахтаси ва доналарини кўрсатиб, ўргата бошлаганлар. Устозларим — халқаро тоифада-

ги спорт устаси Бахтиёр Холмирзаев, Тохир Абдуқодировлардан шохмот сирларини ўрганиб келмоқдаман. Нимагаки эришган бўлсам, бунда оиламизнинг ҳам хизмати катта. Чунки, бизнинг оилани спортчилар оиласи, деб билишади. Отам узоқ йиллар давомида 6-умумтаълим мактабида жисмоний тарбиядан дарс берганлар. Онам мактаб ҳамда институтда ўқиб юрган кезлари кўлтўпи бўйича терма жамоа

Ҳақиқатан бу икки дўст мактабда ҳам бир партада ўтириб ўқишган. Бирга шохмот тўрагага қатнашди. Лицейда ҳам устозлардан бирга таълим олишмоқда. Ҳатто, Андижонга ҳам иккиси бирга боришди.

Уларнинг мураббийси Бахтиёр Холмирзаевнинг таъкидлашича, Мирсодиқ билан Ёқуб Холматов шохмотда бир хил усулда донани суришар экан. Истардикки, бу дўстлик абадий бўлсин, иккисининг гроссмейстер бўлишига замин яратсин.

Муҳайё ая ўғли Мирсодиқнинг Андижон сафари ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— Ўғлим мусобақага кетаётганида бир-биримизга сўз бергандик. Мен бу ерда ўтириб, кечаю кундуз дуо қиламан, у эса, албатта ғалаба билан қайтади. Болам олтин медал олишига ишонгандим. Чунки, мусобақага ўз хоҳиши билан кетди. Ундан кейин агар шохмот ўйнаса, албатта, ютишга интилади. Рақибининг устунлигини сезиб қолгудек бўлса, дуранг қилиш йўллариини излайди. Ўғлим — оиламизнинг фахри, менинг ишонган тоғим. Унинг шохмот йўлидан бориб, кам бўлмаётганлигидан Аллоҳга шукроналар айтаман.

Мирсодиқнинг камолоти йўлида фидойилик кўрсатаётган онаси ҳар қанча фахрланса арзийди. Балки, у Ўзбекистоннинг бўлажак Георгий Аъзамовини, Сайфиддин Йўлдошев, Рустам Қосимжоновни улғайтиратгандир.

Хуршида НАЗАРОВА,  
«Тошкент ҳақиқати»  
мухбири.

СУРАТДА: Мирсодиқ Содиқов оила даврасида.

Даврон АҲМАД олган  
сурат.

## Шифокор минбари

Турли касалликлар ичида сил хасталиги, айниқса, оғир кечади. Ута юқумли бу дард ғоят маккорлиги, кўпинча турли-туман бошқа касалликлар ниқоби остида кечиши билан нафақат беморларни, баъзида шифокорларни ҳам чалғитиб қўяди.

Сил юқумли касаллик бўлиб, у очик кўринишдаги касалликка чалинган бемордан ҳаво орқали юқади. Касалликни сил таёқчалари келтириб чиқаради. Микроблар беморлар балғами, сўлаги орқали йўталганда, аксирганда касаллик бактериялари билан зарарланган ҳавода нафас олган одамнинг юқори нафас йўлларига тушиб, хасталик келиб чиқади. Айниқса, қандли диабетга, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасига дучор бўлганда, узоқ муддат гармонлар қабул қилган, тўла-тўқис овқатланмаслик, чарчаш, айрим аёлларда ҳомиладорлик даврида, тамаки чекиш ва спиртли ичимлик ичишга, гиёҳвандликка муккасидан кетган шахсларда силга дучор бўлиш хавфи кучли бўлади.

Чунки, бундай таъсирлар остида тана аъзоларининг касалликка қарши курашиш кучлари сусайганда сил бактериялари зўр бериб кўпаяди ва ўпкани кўпроқ зарарлайди. Бу ўпка тўқимаси ирий бошланга-

## АСОРАТИ ОҒИР ДАРД

нига ишорадир.

Силнинг «маккорлиги» бошланғич даврда белгиларсиз ёки жуда кам белгилар билан кечишидадир. Бемор ўз танасида газак олаётган дарддан беҳабар «соппа-соғман» деб юраверади, баъзида «грипп», «бронхит» каби ниқоб остида кечаётган силни ўзбилармонлик билан турли-туман дорилар, «туркона» гиёҳлар билан самарасиз даволайди. Баъзи беморлар: «Мен соппа-соғман, сил бўлган бемор йўталиши керак, қон тупуриши керак, ранги-рўйи сарғайиши керак», — деб даволанишдан бош тортган ҳоллар ҳам учраб туради.

Бундай беморлар атрофдагилар учун ҳам хавфлидир. Агар касаллик дархол аниқланса, шифокорга мурожаат қилиш керак. Унинг асосий белгиларида бемор-

нинг аҳволи ёмонлашади. Ҳарорат кўтарилиб, кўкрак қафасининг оғриши, икки-уч ҳафтадан ортиқ йўталиши, иштаҳа йўқолиб, силла қуриши кузатилади. Ҳат-

то, қон туфлаб, қон қусиши ҳам мумкин.

Касаллик қанчалик барвақт аниқланиб, даволаш барвақт бошланса, бемор шунчалик тез соғайиб кетади. Агарда ўпкада сил касаллиги гумон қилинганда дастлаб бемор балғами текширилади, ўпка флюорография ёки рентгенография қилинади. Бундай дардни даволаш мураккаб бўлиб, камида икки-уч ой муддатга чўзилади. Бу жараён шифокордан ҳам, бемордан ҳам сабр-тоқат талаб қилади.

Сил касаллигини даволаш бепул бўлиб — аҳолини силдан муҳофаза қилиш қонунида белгилаб қўйилган (2001 йил, 11 май). Ачинарли томони шундаки, баъзида беморлар даволанишни узиб қўядилар, аксарияти спиртли ичимлик, нашадан аламларини оладилар.

Ўзингизни силдан ҳимоя қилиш учун:  
- аксирганда ёки йўталганда бурун билан оғизни дастрўмол билан беркитинг;  
- хонани мунтазам равишда шамоллатиб туринг;  
- тартибли овқатланишга қатъий риоя қилишга одатланинг.

Сил билан оғриган беморни даволашда у дорини қабул қилаётгани тиббий ходим томонидан назорат қилинади. Бу — DOTS деб аталади. У аввалига шифохона, сўнгра амбулатория шароитида ўтказилади. Даволаниб, 10 ойгача меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик варақасида юрадиган беморлар давлатимизга, жамиятимиз иқтисодиётига қанчага тушаётгани сил хасталиги муаммосини ҳозирги тиббиёт хизмати учун долзарб масалалардан бирига айлантиради.

Ўпка силини енгиш мумкин. Бунинг учун нафақат шифокорлар, балки, барча ташкилотлар, муассасалар, маҳкамалар, оммавий ахборот воситалари, жойлардаги мутасадди идоралар баҳамжиҳат иш олиб боришлари катта самара бериши шубҳасиздир.

Абдувоҳид СОДИҚОВ,  
Тошкент вилояти силга қарши кураш диспансерининг бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.



# ФИЗИКЛАРИМИЗ ТАДҚИҚОТЛАРИ — ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Германияда ўзбек олимларининг "Суюқликлар физикасида даврларга бўлиниш" мавзудаги дарслиги нашрдан чиқди. Инглиз тилида чоп этилган мазкур китоб муаллифлари — таникли ўзбек олимлари Пулат Хабибуллаев ва Абдулла Саидов.

Кўлланимда физикага оид энг мураккаб жараёнлар чуқур таҳлил қилинган. Жами ўн бобдан иборат мазкур китобда 73 расм ва 15

тушунтириш чизмаси берилган. Китобнинг аҳамияти шундаки, унда суюқликлар физикасининг назарий ва амалий асослари янги услублар орқали талқин этилган. Хорижлик мутахассислар назарига тушиб улгурган китоб Гер-

маниянинг "Springer" илмий нашриётида нашр этилди. Йилига икки минг тўрт юзтагача илмий қўлланим чиқарадиган бу нашриёт бутун дунёга илмий адабиёт тарқатади.

Ўзбекистонлик олимларнинг китоби "Springer"нинг он-лайн каталогидан жой олди. Монография билан Интернет тармоғи орқали ҳам танишиш мумкин.

(ЎЗА).

## Шундан кейин...

### ОМАД ЁР БЎЛСИН, ТУДОР!

Ногиронлар аравачасида ўтириб олиб, шиддат билан олға кетаётган йигитни кўрган кўплаб одамлар уни «Омад ёр бўлсин, Тудор!» деб олқишламоқдалар. Чунки, Руминиянинг Сибиу шаҳридан ер куррасини айланиб чиқиш сафарига отланган Тудор Гаман ҳаммани ҳайратга солмоқда. Мард йигит Европа, Америка, Австралия ҳамда Осиё бўйлаб 40 минг километрлик йўлни босиб ўтиш ниятда. Ногирон Тудорни сафарда унинг яқин дўсти мотоциклда кузатиб бормоқда. Уйда эса рафиқаси ва жажжигина ўғилчиси сабрсизлик билан кутишмоқда. Болакай отаси сафарга отланган куннинг саккизинчисида туғилган эди.

### ЖАЖЖИНИНГ ТИЛИ БОШҚА



Британиялик олимларнинг аниқлашларича, катталар билан «тепа-тенг» равишда мулоқот қила олиш

олти ойлик боланинг ҳам кўлидан келар экан. Ўтказилган тажрибалар анча шов-шувга сабаб бўлди. Ярим ёшли болалар махсус курсларда билимини ошириб, ота-оналарига овқат егилари келаётганини тушунтирадиган, иштончаларини алмаштиришни илтимос қиладиган ва ўз таассуротлари билан ўртоқлашадиган бўлиб қолишар экан. Тўғри, эмизикли болалар сўзлар билан эмас, балки, имо-ишора билан мулоқотга киришишади.

Илгарилари болалар 10-12 ойга келибгина, ўз фикрларини англатиш қобилиятига эга бўладилар, деган хулоса мавжуд эди. Энди олимлар жаҳондаги барча кичкинтойларни имо-ишоралар тилига ўргатишни режалаштирмоқдалар, истиқболда эса истисносиз барча ота-оналар кундалик ҳаётда бу услубни қўллашларига умид қилмоқдалар.

### ЖАРИМАНИНГ ЧЕКИ БОР

Нью-Йоркда 36 ёшли полициячи автомобиль ҳайдайдиган аёлларга нисбатан ноқонуний муносабатда бўлгани учун айбдор деб топилди. У аёллар йўл ҳаракати қондаларини бузишганида жарима солиш учун тўхтатарди. Френк Райт аёлларга жарима солмасди — у уларнинг ечинилларини талаб қиларди. Ҳатто бир хонимни уйига ич кийимда пиёда жўнатган. Аёлларга бўлган бундай хунук, бемаъни муносабатни ньюйорклик қонун ҳимоячилари кечиришмади. Полициячи 5 йилу уч ой қамоқ жазосини олди.

Янгийўл туманидаги 23-ўрта мактаб томонидан 1990-1991 ўқув йилида Анвар Абдуллаевга берилган А № 484154 серияли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Бўш вақтларингизда

Куллини ўйинлар кўрсатувчи қизиқчи									
Жуда баланд қурилган	Урилиш зарбини юмшатувчи мослама		Вилоят		Диққат билан қаромоқ, ... солмоқ	Пеш-қадам	Дуққоқлик ўсимлик		Қоп-қоронғи
	Гуруч (русча)		Пишиб этилмаган ўрик				«Манг шаҳар»		
							Тошкент шаҳри: Туман		Араб ҳарфи
	Қамишнинг порсимон попути							Бадий асар тури	Барақа, самара
	Бирлашиб катта дарё бўлади						Тик, тикка		
			Тонги гира-шира маҳал			Тоғ ичидagi катта бўшلاق	Кинна		Безбет
				Жуда		Камчилик			Назм ва ...
						Рўзор буюми	Гўшт		... - Марино (давлат)
	«...бўлмайдим...» қадрини билмас (мақол)		Тишни қоплаб турган эт		Бола боқувчи оёқ				
	Реактив двигателли учувчи аппарат							...сиба	Қурбақасимон жонивор

## Қатра

Аёлнинг кўнгли гулдан нозик. Суманбар кўрган тушидан ғалати энтиқиб уйғонди. Ёнида кизалоқлари ширин уйқуда, бир-бирларининг кучоғига қириб ётишарди. Чоғроқ диванда ётган ўғли Шунқорнинг очилиб қолган устини ёпди-да, секин ўрнидан турди. Юзини юваётиб ҳам, тушини эслади. Қизик, у яқингинада ўзи даволаниб чиққан шифохонада ишлайдиган шифокорни туш кўрибди. У ҳақда ўйламаган, гапирмаган эди ҳам. Шифокор Суманбарни бағрига босиб, эркалаётганмиш. Унинг эғнида чиройли костюм-шим. Суманбар ҳам унинг қайноқ бағрида ўзини шу қадр бахтли ҳис этармишки...

У вужудидаги англаб бўлмас ҳиссиётни қувиб соларкан, кўзгуга боққанча оғир сўлиш олди: тушга нималар кирмайди, дейсиз. Эри ташлаб кетганида, кенжатоий қорнида эди... Нима бало, ёлғизлик азоби уни эзиб қўймадимкин?

Болаларига нонушта ҳозирлаб, уларни биринкетин уйғотиб, кийинтирди. Ўғлини мактабга, қизчаларини боғчага кузатиб, ўзи ишга отланди. Кечаги кайфияти яна уни исканжага ола бошлади. Арзимаган ҳужжатни деб кеча бошлиғи Суманбарни ходимлар олдида изза қилиб, бақирганини айтмайсизми!

Эркак киши ҳам аёлга шунчалик бақирадими?! Дили оғриб кетди Суманбарнинг, ўзи шусиз ҳам шу кунларда юрагидаги оғриқнинг хуружи зўрай-

ган. Бугун нима томоша кўрсатаркин? Иш бўлгандан кейин камчилик ҳам бўлади-да... Тўғри, ҳамманинг кўнглини овлаш бошлиқнинг иши эмас, лекин барибир кўнглингга оғриқ энэр экан. Лоақал ишда чигилим ёзилади, дейди-да, ғофил кўнгли.

Суманбар ҳаммасларни билан бир-бир сўрашаркан, телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарган котиба Суманбарга юзланди:

— Сизни сўрашапти. Аёл оҳиста телефонга яқинлашди. Ногаҳон таниш овоздан вужуди сесканди: бу унинг тушига кирган шифокор йигитнинг ширали овози эди. Ҳа, худди ўша.

— Саломатмисиз, синглим, болакайлар омонми? Муслимбек Суманбар билан эски танишлардай сўрашаркан, муддаога ўтди. Шу... кичик корхонанинг озроқ ҳисоб-китоб ишлари бор эди. Вақтингиз бўлса, қарашиб юборсангиз... Сизга ишонаман.

«Сизга ишонаман». Шу бир оғиз сўз қайси маънода айтилишидан қатъи назар, Суманбарнинг ҳорғин руҳига тетиклик бахш этди. Иш тугагунча Муслимбекнинг қиёфаси кўз ўнгидан кетмади. Баъзилар бор, бир оғиз сўз билан дилинг гулзорини пайҳон қилиб ташлашади. Баъзилар эса, акси... Суманбар кечаси кўргани гарчи туш бўлсада, мийиғида кулиб қўйди.

Нигора ЖАЛОЛИДИН қизи.

# БИР ОҒИЗ СЎЗ

## Кўлганга Нима Етсин!

Янги ой чиққан кеча Бир кун Афандидан сўрашибди:

- Янги ой чиққанда эскиси нима қилади?  
Афанди жавоб берибди:  
- Нима қиларди? Майда-майда бўлақларга бўлиб, ундан юлдузларни ясашади.

### ТОПИШМОҚ

Кимдир кўлига тухумни яшириб, Афандидан сўради:

- Афанди, агар сен кўлимда нима борлигини айтсанг, мен уни дарҳол синдираман ва ёққа қовуриб, сени меҳмон қиламан.  
Афанди биров ўйланиб турди-да, деди:  
- Ранги қанақалигини айтчи?

- Сирти оқ, ичи сариқ.  
Афанди яна ўйлабди ва дебди:  
- Ҳа, топдим! Бу турп. Унинг ўзгани чиқариб олиб, сариқ ранг солиб қўйилган.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
ТАШКЕНТДА ПРАВАДА

Муассис  
**ТОШКЕНТ**  
**ВИЛОЯТИ**  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
**Фатҳиддин**  
**МУХИДДИНОВ**

Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:  
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида тартиб ва саҳифаланади.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.